

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ  
ЁШ ОИЛАЛАРГА ТУРАР ЖОЙ  
ИЖАРАСИ УЧУН СУБСИДИЯ  
АЖРАТИШ БҮЙИЧА**

**УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА**

«Адолат» милий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2024

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оиласарга турар жой ижараси учун субсидия ажратиш бўйича услугбий қўлланма.** Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллый ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 22 6.

Тузувчилар: А. Ҳакимбаев  
Р. Расулбекова

Ушбу услугбий қўлланма "маҳалла еттилиги" ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оиласарнинг яшаш шароитини яхшилаш, ижара тўловларини тўлаб бериш масалаларида "маҳалла еттилиги"нинг ўрни, "Ёшлилар дафтари" рўйхатига киритилган ёш оиласарга амалий ҳамда моддий ёрдам бериш тартиби содда тилда кўрсатиб ўтилган.

Мазкур услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

# **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	4
Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёш оилаларга турар жой ижараси учун субсидия ажратишда тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари.....	5
Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёш оилаларнинг турар жой ижараси бўйича ҳуқуқий маданиятини шакллантириш .....	7
Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёш оилаларга турар жой ижараси учун субсидия ажратишда "маҳалла еттилиги"нинг ўрни .....	12
"Ёшлар дафтари"га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёш оилаларга турар жой ижараси учун субсидия ажратиш тартиби.....	14
Иловалар.....	17
Ижтимоий тармоқлардаги фойдали ҳаволалар .....	24

## КИРИШ

Сүнгі йилларда давлатимизда ақолини ижтимоий құллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бүлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оиласалар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшлар ва шу тоифадаги бошқа ақоли қатламларига кўмаклашиш ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оиласаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда манзиллилик ва шаффоғликни таъминлаш борасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёш оиласарнинг ижтимоий ва моддий муаммоларини тизимли ҳал қилиш ҳамда яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида маҳаллаларда “маҳалла еттилиги”, жумладан, ёшлар етакчисининг вазифа ва функциялари мустаҳкамлаб қўйилган.

“Маҳалла еттилиги” ҳамда кенг ақоли қатлами учун ишлаб чиқилган ушбу қўлланмада ёш оиласарнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Қўлланма Сиз учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.

# **Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёш оиласарга турар жой ижараси учун субсидия ажратишда тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари**

---



Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-209-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 апрелдаги "Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-153-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-92-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон "Ёшлар  
муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги  
қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартағи 182-сон "Уй-  
жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни  
қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга  
субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни  
тасдиқлаш ҳақида"ги қарори

# Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оиласарнинг турар жой ижараси бўйича ҳуқуқий маданиятини шакллантириш

“Халқимиз азалдан оиласани муқаддас билиб, уни асраб-авайлаб келади. Оила мустаҳкам бўлса, жамият барқарор бўлади” – **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев**



**Нега ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оиласарнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлашни тарғиб қилиш керак?**

**Худудда мавжуд  
уй-жойдан самарали  
фойдаланиш:**



ёш оиласарнинг турмуш  
сифатини оширишга



ёш оиласар ижтимоий ҳимоясини  
таъминлашга хизмат қилади

- Мазкур икки омилнинг мавжудлиги ўз навбатида ишсизлик, боқимандалик каби бошқа салбий ҳолатларнинг аниқ бир оила, маҳалла кесимида келиб чиқмаслигини таъминлайди.
- Албатта, юртимиизда ёш оиласарнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш маданияти йиллар давомида шаклланган. Айрим худудларда, ёш оиласар учун муносиб уй-жой шароитларини яратишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

## Газетадаги хабардан:

2023 йилда Арнасой туманида “Ёшлар дафтари” жамғармасидан 240 нафар ёшларга 817 млн сўмлик субсидия маблағлари ажратилди. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оиласарга турар жой ижараси учун 4 нафар ёшларга 8 млн сўмлик субсидия ажратилди.

**Ёш оила** — эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бала) тарбиялаб вояга етказаётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл).



### ✓ **Маълумот учун**

Ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш **Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналиши** ҳисобланади.

## ● **ЁШ ОИЛАЛАРГА ИМТИЁЗЛАР:**



“Ёшлар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёш оилаларга турар жой ижараси учун субсидия ажратиш;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёш оилаларнинг ўқувчи фарзандлари учун бир календарь йилида бир маротаба мактаб формаси ҳамда ўқув қуроллари учун харажатларини қоплаш;



«Ёшлар дафтари»га киритилган ногиронлиги бўлган бола парвариши билан шуғулланаётган ёш оила (эр-хотиннинг бири)га бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

Ногиронлиги бўлган бола парвариши билан шуғулланаётган ёш оила (эр-хотиннинг бири) 2024 йилда туман ҳокимлари захирасидаги 60 минг гектар ер майдонини электрон онлайн аукцион орқали ижарага олиши мумкин;





Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ янги турмуш қураётган ёш оилаларга ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриши учун тижорат банклари томонидан 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратишга кафиллик бериш;

Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия тўлашда алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар тоифасига мансублиги бўйича ёшлар етакчиси томонидан тавсия бериш.



### Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёш оилалар



### Васийлик кенгаши



### Ёшлар етакчиси

**Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёш оилалар** 12 ойгача турар жой учун ижара компенсацияси ҳар ойда БХМнинг З бараваридан ошмаган миқдорда «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратишни сўраб **Васийлик кенгашига** мурожаат қиласди.

Васийлик кенгаши мурожаатни **маҳалладаги ёшлар етакчисига** юборади. Ёшлар етакчиси субсидия ажратиш ҳақидаги тавсиянома беради.

## ● “ЁШЛАР ДАФТАРИ” НИМА?

“Ёшлар дафтари” – ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психолого-күллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

**Ҳуқуқий асос:** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июнданги ВМҚ-312-сон “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада токомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

**"Ёшлар дафтари"га 14 ёшга түлган ва 30 ёшдан ошмаган қуидидаги тоифадаги ёшлар киритилади:**

- оила аъзоси "Темир дафтари", "Аёллар дафтари" ёки "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган;
- ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган;
- боқувчисини йўқотган, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган;
- ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган;
- ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ишга лаёқатсиз;
- I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган;
- фарзандида I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган;
- жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган;
- ота-онасидан бирида I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёхуд ота-онасининг ҳар иккисида I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган;
- юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган;
- зўравонлик ва эксплуатация, табиий оғатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган;
- "Мехрибонлик" уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оиласиий болалар уйида тарбияланган;
- ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (мехнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган;
- даволанишга муҳтоҷ бўлган бемор ёшлар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган;
- муайян яшаш жойига эга бўлмаган;

- психологияк маслаҳатга муҳтоҷ;
- никоҳи қайд этилганига 3 йилдан ошмаган ёш оила;
- дехқончилик ёки томорқа хўжалигини юритаётган;
- ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёшлар.


### **Маълумот учун**

“Ёшлра дафтар”да фуқаронинг мавжудлиги ҳақида маълумот Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ([my.gov.uz/uz/service/748](http://my.gov.uz/uz/service/748)) олиш мумкин.



# Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёш оиласарга турар жой ижараси учун субсидия ажратишда “маҳалла еттилиги”нинг ўрни

## МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллаларда ёшлар билан ишилаши тизимини тубдан таомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарори билан ҳар бир маҳаллада **ёшлар етакчиси** жорий этилган.



Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, хотин-қизлар фаоли ва солик инспекторлари билан биргаликда **ёшлар етакчиси** жамоатчилик асосида фаолият юритадиган **“маҳалла еттилиги”**нинг бири ҳисобланади.

**Ёшлар етакчиси** – ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар масалалари бўйича мутахассис.

## ● ЁШЛАР ЕТАКЧИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1. Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жумладан уларни «Беш ташаббус олимпиадаси»да иштирок этишга жалб этиш;
2. Ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари бандлигига кўмаклашиш, жумладан «Ёшлар бандлиги дастури»ни маҳаллада амалга ошириш;
3. Давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;
4. Ҳукуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан, шунингдек, профилактика инспектори билан биргаликда ҳукуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган voyaga етмаганлар билан тизимли ишлаш;
5. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, жумладан ёшларга кўрсатиладиган 30 та ёрдам турларидан самарали фойдаланиш;
6. Хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва уларни кўллаб-қувватлаш;
7. Иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва уларни кўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;
8. Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, жумладан ёшлар етакчисининг ўзи ҳар ойда камидаги 1 та китоб мутолаа қилиш орқали шахсий намуна кўрсатиш;
9. Шахсий ривожланиш мақсадида, жумладан «Ибрат фарзандлари» лойиҳаси доирасида камидаги 1 та хорижий тилни мукаммал ўрганиш

# **“Ёшлар дафтари”га киритилгандыктын аркында ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оиласынан турар жой ижараси учун субсидия ажратыш тартиби**

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оиласынан турар жой ижараптасынан 12 ойгача турар жой учун ижара компенсацияси ҳар ойда **БХМниң 3 бараваридан ошмаган миқдөрдө** «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратылады.

## **▼ Бүни билиш мұхым!**

- ✓ Субсидия ажратышы учун:**
- ✓ Эр-хотиннинг ҳар иккиси ўттисиз ёшдан ошмаган (ўттисиз бир ёшга түлмаган) бўлиши;**
- ✓ мулк ҳуқуқи асосида турар жойи бўлмаган’**
- ✓ илгари мақсадли дастурлар доирасида имтиёзли ипотека кредитлари орқали квартира ёки якка тартибдаги уй-жойлар билан таъминланмаган;**
- ✓ ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ёки уй-жойлар таъминоти билан боғлиқ бошқа имтиёзлардан фойдаланмаган;**
- ✓ ҳар иккиси ёки бири «Ёшлар дафтари»га киритилгандыктын аркында ижара шартномасы нусхаси талаб этилади.**

Ариза берувчи субсидия ажратышни сўраб **Васийлик кенгашига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

**турар жой ижара шартномаси нусхаси.** Бунда ижара шартномасида ижарага берувчининг исми ва фамилияси, ЖШШИР, банк пластик картасининг реквизитлари, ижаралуудати, ижаранинг бир ойлик тўлови миқдори кўрсатилиши лозим; (намунавий ижара шартномаси 1-иловада)

**ижара шартномасининг солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги билдиришнома.** (2-иловага қаранг)

### ✓ **Маълумот учун**

Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.



Ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг Васийлик кенгаши **уч иш куни ичидা** мурожаатни илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги **ёшлар етакчисига** юборади. (3-иловага қаранг)

Маҳалладаги ёшлар етакчиси **беш иш куни ичидা** субсидия ажратиш ҳақидаги тавсияномани ёки рад этиш тўғрисидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда, субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асосланиши талаб этилади.

### ✓ **Маълумот учун**

Агар маҳалладаги ёшлар етакчиси мурожаатни унга тушган пайтдан бошлаб беш иш куни ичидаги кўриб чиқмаса ёки субсидия ажратишни асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, Васийлик кенгаши ариза берувчининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷлигини ҳамда унинг мурожаати ушбу параграф талабларига мувофиқлигини ўрганган ҳолда унинг мурожаатини қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Мурожаатни ўрганиш натижалари бўйича Васийлик кенгаши томонидан ижара харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилинганда Васийлик кенгаши **ҳар ойнинг 5-кунигача ижара харажатлари учун субсидиянинг ойлик тўловларини ижарага берувчининг банк пластик картасига ўтказади.**



Маҳалладаги ёшлар етакчиси ижарага олуучи томонидан ҳақиқатда ижарага олинган турар жойда яшаётганини ҳар ой мобайнида камида бир марта мониторинг асосида ўрганади.

Ўрганиш жараёнида ижарага олуучи ижарага олинган турар жойда яшамаётганилиги аниқланган тақдирда, ёшлар етакчисининг тақдимномасига асосан ижара тўлови учун субсидия бериш тўхтатилади.

### **Буни билиш муҳим!**

Ёш оиласарга турар-жой ижараси учун «Ёшлилар дафтари»га киритилган қуийдаги тоифадаги ёшлар учун субсидия ажратилади:

1. Эри (ёки хотини) «Темир дафтар»га киритилган ёш оила.
2. «Аёллар дафтари»га киритилган аёлларнинг турмуш қурган фарзанди (ёш фуқаро).
3. Эри (ёки хотини) «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган ёш оила.
4. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оила.

# **ИЛОВАЛАР**

## **НАМУНАВИЙ ИЖАРА ШАРТНОМАСИ**

1-илова

Шартнома тузилган сана №\_\_\_\_\_ Шартнома тузилган жой

Ўзбекистон Республикасининг "Ижара тўғрисидаги"ги ҳамда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ, келгусида "ИЖАРАГА БЕРУВЧИ" деб аталувчи жисмоний шахс Ижарага берувчининг Ф.И.О. бир томондан ва келгусида "ИЖАРАГА ОЛУВЧИ" деб аталувчи жисмоний шахс Ижарага олувчининг Ф.И.О. иккинчи томондан, қўйидагилар ҳақида шартнома туздилар:

### **1. Шартноманинг предмети**

1.1. "ИЖАРАГА БЕРУВЧИ" мазкур ижара шартномасига асосан "ИЖАРАГА ОЛУВЧИ"га Ижарага берилаётган кўчмас мулк жойлашган манзил манзилида жойлашган Ижарага берилаётган кўчмас мулкнинг ҳажми (кв.м) бўлган Ижарага берилаётган кўчмас мулк хоналари ва ёрдамчи хоналари сони хонали бинони *Ижара муносабати (ижарага бериш)* бошлиданадиган муддат йилдан *Ижара муносабати (ижарага бериш)* тугайдиган муддат йилгача бўлган муддатга ижарага беради.

1.2. "ИЖАРАГА ОЛУВЧИ" эса мазкур бинодан Ижарага олинган бинодан фойдаланиш мақсади мақсадида фойдаланиши шарт.

### **2. Ижара ҳақининг миқдори ва тўлов муддатлари**

2.1. Томонларнинг келишувига асосан бир ойлик ижара ҳақи Бир ойлик ижара тўлови миқдори сўм этиб белгиланган.

2.2. Ижара учун тўловлар ҳар ойнинг *Ижара тўловини амалга ошириш (тўлаш)* муддати санасигача *Ижара ҳақини тўлаш усули* (нақд пулда, пул кўчириши ўюли билан ва ҳоказо) ўюли билан амалга оширилади.

2.3. Ижара ҳақи ставкасига бинодан фойдаланиш (эксплуатация) харажатлари, коммунал хизматлар ҳақи, ер солиғи ва бошқа түловлар *Киради/*.

2.4. Коммунал хизматлар учун түловлар Ижарага олувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.5. Заруратга асосан бинони таъмирлаш Ижарага берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

### **3.Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **“ИЖАРАГА БЕРУВЧИ”нинг ҳуқуқлари:**

3.1.1. Ижарага берган бино ва майдонларнинг “ИЖАРАГА ОЛУВЧИ” томонидан мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганини, уни озода сақланиши, ёнғинга қарши ва санитария қоидаларига амал қилинишини кўздан кечириб бориш, далолатнома ёки бошқа ҳужжатлар тузиш;

3.1.2. Ижара ҳақини тегишли муддатларда тўланишини талаб қилиш, “ИЖАРАГА ОЛУВЧИ” билан биргаликда ҳисоб китобларни солишириш далолатномаларини тузиш.

3.1.3. Шартнома шартларини ўзаро ёки суд орқали тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш.

#### **“ИЖАРАГА БЕРУВЧИ”нинг мажбуриятлари:**

3.2.1. Ижарага берилган бино низосиз эканлиги ва ўзига тегишли эканлигини тегишли ҳужжатлар билан асослаш;

3.2.2. Шартнома тузилганидан сўнг Ижара обьектини шартнома тузилганидан сўнг *топшириш* муддати кун ичida ижара обьектини қабул қилиш-топшириш далолатномаси орқали “ИЖАРАГА ОЛУВЧИ”га топшириш;

3.2.3. Ижара обьектини сотиши ёки бошқача тарзда бегоналаштириши тўғрисида Ижарага берувчи ижара обьектини сотиш ёки бошқача тарзда бегоналаштириши тўғрисида *ижарага*

*олувчини маълум қилиш муддати кун олдин "ИЖАРАГА ОЛУВЧИ"га маълум қилиш.*

### **"ИЖАРАГА ОЛУВЧИ"нинг ҳуқуқлари:**

3.3.1. Ижара обьектидан ушбу шартномада белгиланган муддатда ва тегишли мақсадга мувофиқ фойдаланиш;

3.3.2. Шартномани бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш.

### **"ИЖАРАГА ОЛУВЧИ"нинг мажбуриятлари:**

3.4.1. Ижара обьектидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш;

3.4.2. Бинодан, асбоб-ускуналар ва инвентардан тегишли равишда фойдаланиш;

3.4.3. Бино ва унинг ҳудудини озода сақлаши, барча санитар, ёнғинга қарши ва электр энергиядан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш;

3.4.4. Ижара обьектининг хавфсизлигини таъминлаш.

3.4.5. Ижара шартномаси муддатитугагач, бинони, инвентарларни, асбоб-ускуналари ва бошқа мулкларни "ИЖАРАГА БЕРУВЧИ"га тўлиқ равиша топшириш.

3.4.6. "ИЖАРАГА БЕРУВЧИ"нинг ёзма розилигисиз ижара обьекти билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни учинчи шахсларга бермаслик, шунингдек бинони субижарарага бермаслик.

## **4. Мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик**

4.1. Тарафлар учун ушбу шартномада белгиланмаган жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси" ва "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади.

## **5. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари.**

5.1. Ушбу шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

5.2. Шартнома қўйидаги ҳолларда суд тартибида бир томонлама ўзгартирилади ёки бекор қилинади:

- эгалланган майдонлардан шартноманинг 1.2. ва 2.2-бандида кўрсатилган мақсадларга номувофиқ равишда фойдаланиш ҳоллари аниқланганда;

- бино ва хоналарни ёнғинга қарши ва санитария қоидаларига зид равишда фойдаланилаётганлиги ҳамда хавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилмаганлиги аниқланса ва бу ҳолатлар тегишли хизматлар томонидан тузилган далолатнома билан тасдиқланганда ёхуд қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолларда.

5.3. Суд қарори асосида.

## **6. Шартномани кучга кириши ва низоларни ҳал қилиш тартиби.**

6.1. Мазкур шартнома 1.1-бандда белгиланган муддат давомида юридик кучга эга бўлади.

6.2. Мазкур шартнома Шартнома нусхаси сони нусхадан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

6.3. Ушбу шартнома бўйича келиб чиқсан низолар тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки суд тартибида ҳал қилинади.

## **7. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

ИЖАРАГА БЕРУВЧИ: Жисмоний шахс: Ижарага берувчининг Ф.И.О. Манзил: Ижарага берувчининг манзили СТИР: Ижарага берувчининг СТИР рақами Банк ҳисоб рақами: Ижарага берувчининг банқдаги ҳисоб рақами Телефон рақами: _____.	ИЖАРАГА ОЛУВЧИ: Жисмоний шахс: Ижарага олувчининг Ф.И.О. Манзил: Ижарага олувчининг манзили СТИР: Ижарага олувчининг СТИР рақами Банк ҳисоб рақами: Ижарага олувчининг банқдаги ҳисоб рақами Телефон рақами: _____.
---	--

my.gov.uz

Баш салиға > Хизметтер рұжынан > Солиқло > Күчмас мұлкі икара шартномаларының осындағы жөнбаса қойыны

**Күчмас мұлкі икара шартномаларының осындағы жөнбаса қойыны**

Жысмоний шахсдерге күрсатлады • Автоматик

Бу қандай ишайды?

- Ариза беруний ИДИКДа авторизацияндан үтады да икарага беруний сифатта маълумоттарни түлдіреді.
- Икарага беруний икарага олғында икара шартномасы лолисасынан идентификация кодын береді егер икарага олғынан үзіл «Ариза (пойынан) текшириш» орналаған олшаш мүмкін.
- Икарага олувын шартномасы лолисасынан идентификация коды ердемнілше орналағанда аризаны давом этирады да аризаны жүнгітады.
- Икара шартномасы автоматик равишда туындынан да рұмындан үтеган шартноманың күнелі олшаш ертаплады.

Ташкилот

Болтаниш

Хизметтден фойдалануучилар

Хизметтің күрсатыштың көркемдегі қызындары

Хизметтің күрсатыштың мұддаты

Хизметтің күрсатыштың хүхүйкіншілік асосы

Хизметтің нари

Хизметтден фойдалануимен

Улашиш

Хизмет: Күчмас мұлкни икарага бериш шартномасы файлини юклаш

Жысмоние сабактарға > Жысмоние > Гөзделде

Күчмас мұлкі икарасы Ер участкеси икарасы Икараны тәсдициші Рұмында олшан шартноманың күнелі Библиографияның күнелі олшаш

Шартнома раками \*

Икара башланғыдан сана \*

Икара түттейдиган сана \*

Текшириш кодын кириштік:

1+0 Арифметикалық жаобелер кириштік

PDF форматыда күнелі олшаш

## «Ёшлар дафтари»га киритилган ижтимоий химояга муҳтож ёш оиласарга турар жой ижараси учун субсидия ажратиш **СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи*	<p>Турар жой ижараси учун субсидия ажратишни сүраб, туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига турар жой ижара шартномаси нусхаси ва ижара шартномасининг солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги билдиришнома билан бирга ариза беради.</p>	1 иш куни ичида
2-босқич	Васийлик кенгashi	<p>Мурожаатни унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ёшлар етакчисига кўриб чиқиш учун юборади.</p>	3 иш куни ичида
3-босқич	Маҳалладаги ёшлар етакчisi	<p>Ариза берувчининг ўқиш харажатларини қоплаш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда, субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда, рад этиш сабаблари асослантирилиши талаб этилади.</p>	5 иш куни ичида

	Васийлик кенгashi	Маҳалладаги ёшлар етакчиси томонидан белгиланган муддатда ариза берувчининг ўқиш харажатларини қоплаш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақида хабарнома берилмаса ёки асоссиз рад этилганлиги аниqlанса, Васийлик кенгashi ариза берувчининг мурожаатини қаноатлантиради.	5 иш куни ичида
4-босқич	Васийлик кенгashi	Субсидия ажратиш ҳақидаги қарор асосида ҳар ойнинг 5-санасига қадар ижара харажатларининг ойлик тўловлари ижарага берувчининг банк пластик картасига ўтказиб беради.	3 иш куни ичида
5-босқич	Маҳалладаги ёшлар етакчиси	Ариза берувчининг ижарага олинган турар жойда яшаётганлигини мониторинг қилиб боради.	Ҳар ойда камида бир марта



**Maħalla uyošmasi Telegram kanali**



**"Smart mahalla" Telegram bot**



**"Online Maħalla" Elektron platformas**



**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси сайти**



**"Хуқуқий ахборот" Telegram kanali**

